

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда давлат солик хизмати органлари томонидан уларга юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

2. Давлат солик хизмати органлари участка солик инспекторлари лавозими жорий этилиши муносабати билан участка солик инспекторлари сони 1659 нафар этиб белгилансин, шу жумладан, 1419 нафари қишлоқ ва шаҳарчалар фуқаролар йигинларининг ҳисобчи-кассир лавозимларини тегишли равишда қисқартириш ҳисобига берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 1419 қишлоқ ва шаҳарчалар фуқаролар йигинларининг ҳисобчи-кассир штатларининг давлат солик хизмати органларига берилишини таъминласинлар.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

4. Қуйидагилар:

(4-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги **НИЗОМ** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси:

(5-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

давлат солик органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида қўшимча ундириб олинган суммалар (шу жумладан пенялар) ҳамда солик ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун солинган молиявий жазо чоралари суммаларининг 10 фоизи миқдоридаги (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан ташқари);

(5-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 июлдаги 130-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 27-сон, 250-модда)

давлат солик органларига тегишли маъмурий хуқуқбузарлик учун солинган жарималар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги;

давлат солик хизмати органлари томонидан мусодара қилинган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни сотиш суммасининг 10 фоизи миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Молия вазирлиги иштирокида Давлат солик хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техник таъминлаш жамғармасини тузиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

(5-банднинг иккинчи-учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 октябрдаги 499-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2004 й., 43-сон, 456-модда)

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ҳар йилги инвестиция дастурларини тузища уларга Давлат солик қўмитаси обьектларини куриш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш киритилишини назарда тутсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетини шакллантиришда Давлат солик қўмитасининг жорий харажатларига ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар йили зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги академияси базасида 1998 йилдан бошлаб давлат солик хизмати органларининг суриштирув ишларини амалга оширувчи мансабдор шахсларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича маҳсус курслар ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари участка солик инспекторларини функцияларига тегишли фаолиятни амалга оширишлари учун жойлар билан таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 1994 йил 4 мартағи 114-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1998 йил 12 январь,
14-сон

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(3а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(4-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(4а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(5-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(5а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(6-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

(7-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
12 январдаги 14-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисида

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси таркибидаги Эксперт кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) нинг мақсади, вазифалари, функциялари, хукуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1. Кенгаш Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг шунингдек, бошқа идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда тасдиқланади.

2. Кенгаш таркиби Кенгаш раиси, Кенгаш раисининг ўринбосари, Кенгаш аъзолари ва котибдан иборат бўлади.

3. Кенгашнинг шахсий таркиби, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси тасдиқлаган ҳолда, Кенгаш раисининг ва тегишли вазирликлар ҳамда идораларнинг тақдимномалари асосида шаклланади ва ўзгартирилади.

4. Қуйидагилар Кенгашнинг вазифалари ҳисобланади:

солик солиш ҳамда давлат солик хизмати органлари ваколатлари доирасида – валютани тартибга солиш соҳасида (кейинги ўринларда солик солиш деб аталади) янгидан жорий этиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлаш;

солик ҳақидаги ҳамда давлат солик хизмати органлари ваколатлари доирасида валютани тартибга солиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари бўйича (кейинги ўринларда солик ҳақидаги қонун ҳужжатлари деб аталади) норматив ҳужжатларни амалда қўллаш жараёнида солик тўловчилар билан солик органлари ўртасида пайдо бўладиган ўта мураккаб ва мунозарали масалаларни кўриб чиқиш, улар юзасидан холисона қарорлар қабул қилиш.

(4-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

5. Кенгаш вазифаларидан келиб чиқиб унга қўйидаги функциялар юкланди:

солик солиш соҳасида тайёрланган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини кўриб чиқиш ва уларнинг солик ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш;

солик солиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича хулосалар чиқариш;

солик ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазо чоралари ва маъмурий жарималар қўлланганда пайдо бўлувчи зиддиятларни кўриб чиқиш, давлат солик хизмати қуи солик органларининг молиявий жазо чоралари ва маъмурий жарималар қўллаш тўғрисидаги қарорларини ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларни ўз кучида қолдириш ҳақида таклифлар киритиш;

солик органлари ва солик тўловчилар ўртасидаги мунозарали масалаларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган жойлардаги солик хизмати органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг ғайриконуний хатти-харакатлари юзасидан қонунийликни бузишга йўл қўйган айбдор шахсларни интизомий, моддий ёки бошқа хил жавобгарликка тортиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйган ҳолда тегишли тақдимномалар киритиш;

солик ҳақидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва солик солишга оид низоларни кўриб чиқиша қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларнинг аниқланган камчиликларини бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш.

(5-банднинг олтинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

6. Кенгашга қўйидаги хуқуклар берилади:

солик ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш ва талқин қилиш жараёнида пайдо бўлувчи қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва солик тизимини тақомиллаштириш юзасидан Молия вазирлигига ва Давлат солик қўмитасига таклифлар киритиш;

солик органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг молия, солик ва хукуқ масалалари билан шуғулланадиган мутахассисларини, улар билан келишган ҳолда, экспертиза ўтказишида ва экспертлар сифатида хулосалар беришда иштирок этиш учун жалб қилиш;

солик солиш соҳасида янгидан жорий этилган норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан холис хулоса бериш;

кўлланилган молиявий жазо чораларини ундириш муддатларини корхоналар ва ташкилотларнинг молия-хўжалик ахволини ва фаолиятини ҳисобга олган ҳолда узайтириш, лекин бу муддат кўпи билан бир йилдан ошиб кетмаслиги керак;

Кенгаш аъзолари ва жалб қилинган экспертларнинг Кенгашни тайёрлаш, уни ўтказиш ва тақдим этилган материалларни экспертиза қилиш билан боғлиқ қўшимча меҳнатига ҳақ тўлаш.

7. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш.

Кенгашда кўриб чиқиши учун масалалар Молия вазирлигининг ёки Давлат солик қўмитаси марказий аппарати бошқармаларининг тақдимномалари бўйича киритилади.

Кенгаш мажлиси бир ойда камидан бир марта ўтказилади. Кенгаш мажлисида унинг таркибининг камидан учдан икки қисми қатнашгандагина Кенгаш қарори қонуний ҳисобланади.

Кенгаш қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва кейинчалик Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Овозлар teng бўлиб қолган ҳолларда, солик тўловчи фойдасига қарор чиқаришга устунлик берилади.

Кенгашнинг кўриб чиқишига масалалар киритиш учун масала киритаётган бўлинмалар Кенгаш раиси номига масаланинг моҳияти баён қилинган маълумотнома тақдим этадилар. Кенгаш раисининг розилиги олингандан сўнг Кенгашнинг кўриб чиқиши учун масала киритаётган бўлинма томонидан масалага тегишли барча материаллар, ушбу иш бўйича қарор лойиҳаси ва масалани кўриб чиқишида иштирок этиш учун тавсия этилган шахслар рўйхати тақдим этилади.

Барча хужжатлар тайёрлангандан сўнг масала кенгаш котибининг тақдимномасига кўра Кенгашнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилади, Кенгашнинг навбатдаги мажлиси кун тартиби тасдиқлангандан кейин камидан 10 кундан сўнг ўтказилиши мумкин.

Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларга тааллуқли материаллар кун тартиби тасдиқлангандан сўнг уч кун мобайнида котиб томонидан Кенгаш аъзоларига етказилади.

Кенгаш мажлиси баённомаси Кенгаш котиби томонидан тузилади, мажлисда қатнашган Кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг муҳри босилади.

Манфаатдор шахсларга котиб томонидан муҳрланган ва Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган баённомадан кўчирма жўнатилади.

8. Лавозими бўйича Давлат солик қўмитаси раисининг ўринбосари Кенгаш раиси ҳисобланади. Кенгаш раиси кун тартибини тасдиқлайди, мажлисни олиб боради ва баённомани тасдиқлайди, Кенгаш қарорлари бажарилишини назорат қиласида. Кенгаш раиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосар бажаради.

(8-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори таҳририда*)

9. Кенгаш котиби Кенгаш аъзоларини кўриб чиқиладиган масалаларга тааллуқли материаллар билан таъминлайди, мажлис баённомасини юритади ва Кенгаш ҳужжатлари айланишини таъминлайди, қарорларнинг бажарилишини назорат қиласида ва навбатдаги мажлисларда уларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Кенгаш раисини хабардор қиласида.

Кенгаш котиби маслаҳат овозига эга бўлади.

10. Кенгаш қарори устидан у олингандан пайтдан бошлаб ўн кун муддатда Давлат солик қўмитаси раиси номига ёки судга ариза бериш орқали белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.